

**Истеъмолчиларга ичимлик ва оқова суви  
хизматларини кўрсатиш бўйича  
ШАРТНОМА**

20 22 й. "31 " январь  
(шартнома имзоланган жой)

6-сон

Шуманай шахри (тумани)

Ушбу шартномани "**Каракалпак суу тамийнаты**" МЧЖ, кейинги ўринларда "Таъминотчи" деб юритилувчи, низом асосида фаолият юритувчи

**Саламат Ибрагимов \_\_\_\_\_ (Ф.И.О.)**  
шахсида бир томондан, ҳамда кейинги ўринларда "Истеъмолчи" деб юритилувчи Мектепке шекемги билимленидириу болими\_, устав асосида ишолиб борувчи Фарҳад Убайдуллаев, иккинчи томондан қуидагилар ҳақида туздилар:  
(Ф.И.О.)

**I. Шартнома предмети**

1.1. 2022-йил учун сув етказиш ҳажми ушбу шартномага мувофиқ II гурух истеъмолчиси (кейинги ўринларда "Истеъмолчи" деб юритилади) учун сув етказиб бериш \_\_\_\_\_ нарх бўйича \_\_\_\_\_ м<sup>3</sup>ни:

1 м<sup>3</sup> ичимлик сув учун 4299,25 сўм (+КҚС 15%), + \_\_\_\_\_ сўм (махсус устама ҳақни);

1 м<sup>3</sup> оқова сув учун \_\_\_\_\_ сўм (+КҚС 15%), + \_\_\_\_\_ сўм (махсус устама ҳақни ташкил қилмоқда).

Шу тариқа шартноманинг умумий киймати **7377513 (Жети миллион уш жуз жетпис жети мын бес жуз он уш сўмни ташкил қилди)** (сумма ёзув билан). Шу жумладан, бюджет маблағларидан **7377513** сўм, бюджетдан ташкил маблағларидан \_\_\_\_\_ сўм тўланиши кўзда тутилган.

Истеъмолчига етказилган сув ва қабул қилинган оқова сувлар учун хисоб-китоблар Истеъмолчи билан (бюджет ташкилотларидан ташқари) аванс тўловлари тартибида, белгиланган муддатда тўлиқ хисоб-китоб қилиш шарти билан ёки Таъминотчи томонидан хисоб варақаси (счет-фактура)лар тақдим этиш орқали, шунингдек, бюджет ташкилотлари билан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Газначилигининг худудий бўлинмалари орқали ўзаро хисоб-китоб қилишга ўтказилган маблағлар билан Таъминотчи тақдим этадиган счет-фактуралар бўйича амалга оширилади.

1.2. Таъминотчи Истеъмолчини сифатли (O'zDSt 950:2011 давлат стандартига мувофиқ) ичимлик суви билан таъминлаш ва Истеъмолчидан оқова сувларни қабул килиб олиш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

1.3. Истеъмолчи Таъминотчига, ичимлик ва оқова сув хизматлари учун тўловларни кейинги ой учун, агар ҳисобида етарли микдорда олдиндан тўлови мавжуд бўлмаса, хар ойнинг 10 санасигача 70 фоизлик олдиндан ҳак тўлаш тарикасида амалга ошириш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

1.4. Тарафлар ушбу шартноманинг ичимлик ва оқова сув хизматлари бўйича шартларини бажариш, Ўзбекистон Республикасининг конунчилиги талабларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2014 йил 15 июлдаги 194-сонли карори билан тасдиқланган “Истеъмолчиларга сув таъминоти ва оқова сувни чиқариш хизматлари кўрсатиш Қоидалари”га (кейинчалик матнда – Қоидалар деб юритилади) риоя этиши, шунингдек, Истеъмолчи, Таъминотчи томонидан тақдим килинган ичимлик ва оқова сувтизимиға уланиш учун рухсат этувчи хужжатларга риоя килишиҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан тасдиқланадиган маҳсус устами хакини  $1\text{m}^3$  ичимлик сув учун  $50$  сўм,  $1\text{m}^3$  оқова сув сўмтўлаш мажбуриятини ўз зиммасига оладилар. хизмати учун \_\_\_\_\_

## II. Умумий қоидалар

2.1. Истеъмолчи Таъминотчи рухсати билан ва у техник имкониятларни мавжуд деб топган ҳолатларда, ўз тасарруфидаги ичимлик ва оқова сувтармокларига, иншоот ва қурилмаларга субистеъмолчиларниг уланишига рухсат бериш хукукига эга.

2.2. Истеъмолчи билан субистеъмолчи ўртасида тўлов масалаларида пайдо бўладиган низолар Таъминотчи томонидан кўриб чиқилмайди.

2.3. Агар Истеъмолчи ва унга уланган субистеъмолчи турли гурухистеъмолчиларига мансуб бўлса, Таъминотчи билан шартномани Истеъмолчи ҳам, субистеъмолчи ҳам тузади ва сувни ҳисобга олиш асбобини ўрнатиш ҳар иккалasi учун ҳам мажбурий ҳисобланади.

Истеъмолчи (субистеъмолчи)га берилган ичимлик сув ҳажми учун тўловлар Таъминотчига, уларниг сувни ҳисобга олиш асбоби кўрсаткичлари бўйича ва улар мансуб бўлган гурух учун белгиланган тарифлар асосида тўланади.

Таъминотчи билан шартнома тузган Истеъмолчи ўзи мансуб гурухдаги субистеъмолчиларга уланган бўлса, субистеъмолчиларга етказиб берилган сув ва чиқарилган оқова сув хизматлари учун тўловлар асосий истеъмолчи билан, у мансуб бўлган гурух учун белгиланган тарифлар асосида амалга оширилади.

Ўз навбатида, Истеъмолчи, ўзи ишлатган сув учун Таъминотчига амалдаги тарифлар асосида тўловларни амалга оширища субистеъмолчиларга етказиб берилган сув ҳажмларини ҳам инобатта олган ҳолда ҳисоб-китоб қиласи.

2.4. Ичимлик сувдан дов-дараҳтларни сугориш учун фойдаланилишига куйидаги истисно ҳолатларда:

а) ирригация суви бўлмагандан;

б) таъминотчи ташкилоти куввати мавжуд бўлганда ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан тасдиқланган жадвал бўйича, факат тунги вактда (соат 00–00 дан соат 05–00 гача) йўл кўйилади.

2.5. Ичимлик ва оқова сув хизматидан Истеъмолчи хўжалик-истемол, майший эҳтиёж ва ёнгинларни ўчириш ҳамда технологик ва ишлаб чиқариш жараёнлари учун фойдаланади.

2.6. Сувни ҳисобга олиш асбоби Ўзбекистон техник жихатдан тартибга солиш агентлиги томонидан текширилган ва тамгаланган бўлиши ва сув ўлчаш тармоги сув таъминотчи ташкилот томонидан пломбаланиши шарт. Шунингдек, ичимлик ва оқова сувини ҳисобга олиш асбобини ечиш, киёслашдан ўтказиш ва ўрнатиш тартиби конунчиликда ўрнатилган тартиб ва қоидаларга асосан амалга оширилади.

**2.7.** Истельмолчига ўрнатилиши лозим бўлган сув ўлчаш асбобининг шартли ўтказгичининг диаметри (калибри) хисоб-китоб асосида аникланади, объектнинг максимал сув истельмоли ва минимал сув истельмолига текширилади хамда Истельмолчи билан келишилади.

Истельмолчидаги сувни хисобга олиш асбобининг ишлаши назорат қилинганда, ўлчовларнинг техник тавсифномасида йўл кўйиладиган минимал чегарадан кам микдорда сув истельмол қилинган тақдирда Таъминотчи сув ўлчаш узелини амалда сарфланайтган сув хажмига мос, кичикроқ диаметрдаги асбобга (берилган кундан кейинги 30 календарь кун ичida) кайта жихозлашга кўрсатма беради. Бу кўрсатма бажарилмаган тақдирда сувдан фойдаланиш ва окова сувларни чиқариш учун тўловлар Коидаларнинг 87-бандининг “б” кичик бандига мувофик амалга оширилади.

**2.8.** Ичимлик ва окова сув хизматлари хўжалигининг реконструкцияси, хисоблаш асбобларини ишга тушириш, алмаштириш, янги субистельмолчиларининг уланиши Истельмолчи томонидан факат Таъминотчи тарафидан тасдиқланган техник шартлар ва лойиха асосида амалга оширилиши мумкин бўлиб, улар Истельмолчининг сўровномаси асосида, барча тасдиковчи хужжатларни илова қилган холда берилади. Таъминотчидан олинган техник шартлар Истельмолчи буюртмасига асосан, амалдаги меъёр, коидалар ва бошка меъёрий хужжатлар асосида ишлаб чиқилади.

**2.9.** Курилган уламаларнинг ишга туширилиши Таъминотчи томонидан, Истельмолчи ва курилиш ташкилот вакилларининг иштирокида амалга оширилади.

**2.10.** Ичимлик ва окова сув хизматлари учун тарифлар ва устама ҳак микдори ўзгарган санасидан қатби назар, ушбу хизматлар юзасидан Истельмолчи билан тузилган шартнома ўз кучини саклаб қолади ва Истельмолчи кўрсатилган хизматлар учун, янги тарифлар асосида, улар киритилган санадан эътиборан тўловларни амалга ошириши шарт.

**2.11.** Кўйидагилар Таъминотчи билан Истельмолчи ўртасидаги, коммунал сув таъминоти ва окова сувларни чиқариш элементлари (ичимлик сув ва канализация тармоклари, иншоотлари, курилмалари)га хизмат кўрсатиш, уларнинг техник ҳолатини саклаш ва фойдаланиш юзасидан жавобгарлик чегаралари хисобланади:

а) сув истельмоли учун — коммунал тармокка уланишини узиб қўювчи кириш кулфи. Кириш кулфи билан ичимлик сувга уланиш, Истельмолчининг ички ичимлик суви тизимишининг бир кисми хисобланади;

б) окова сувларни чиқариш (канализация) учун — Истельмолчи канализация тизимишининг ички кисми хисобланувчи, магистрал канализация тармогига уланиш нуқтасидаги чиқарув кудуги. Агар чиқарувчи канализация кудуги (камераси) магистрал канализация тармогига жойлашган бўлса, ушбу кудук Таъминотчи коммунал канализация тармогининг бир кисми хисоблананиб, унга туташтирувчи фойдаланиш чизиги эса Истельмолчининг маблаги ва воситалари хисобидан амалга оширилади.

### III. Тарафларнинг ҳукуқ ва мажбуриятлари

#### 3.1. Истельмолчининг ҳукуклари:

а) Таъминотчидан, ушбу шартнома асосида, ичимлик сув ва окова сувни чиқариш хизматларининг узлуксиз равишида ёки Истельмолчи билан келишилган график асосида амалга оширилишини, ўз мулкига хавф тутдирмайдиган даражадаги сифат (O'zDSt 950:2011 давлат стандартига мувофик) ва микдорда ичимлик сув берилишини талаб қилиш;

б) Таъминотчидан сувни хисобга олиш асбобларини ўрнатиш, уларни белгиланган тартибда ва муддатларда назоратдан ўтказишни талаб килиш;

в) тегишли сифат даражасидаги ичимлик сув ва окова сув тармокларига хизмат кўрсатиш талабларини бажармаганилиги учун Таъминотчидан конунчиликда ва шартнома шартларида кўрсатилган микдорда жарима (пеня)лар тўлашни талаб килиш;

г) Таъминотчини шартномани бекор килиш тўғрисида, унинг бекор килинишидан камида 15 кун олдин огохлантирган холда ва ушбу муддатда сув таъминоти ёки окова сувни чиқариш бўйича кўрсатилган хизматлар учун тўловларни тўлиқ амалга оширган холда шартномани бир томонлама бекор килиш;

д) ичимлик сув таъминоти ва окова сувни чиқариш хизматлари учун амалга оширилган тўловларнинг ҳолати, қарзларнинг йўклиги ҳакидаги маълумотлар ва маълумотномани щахсан ёки ўз вакили орқали бепул олиш;

е) Таъминотчидан ичимлик сув таъминоти ва окова сувни чиқариш хизматлари ҳажми ва сифати, уларни амалга ошириш шартлари, тўловлар тарифи ва тартибларининг ўзгариши ҳакидаги маълумотларни бепул олиш;

ё) ичимлик сув таъминоти ва окова сувни чиқариш бўйича хизматлар кўрсатилмаётганилиги ёки уларнинг паст сифатда эканлиги тўғрисидаги далолатнома тақдим этилгандан кейин 18 соат мобайнида Таъминотчидан носозлик ва камчиликларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисидаги маълумотларни олиш;

ж) Санитария-эпидемиология хизмати органлари томонидан тасдикланган амалдаги стандартларга жавоб берадиган сифатли ичимлик сув билан таъминланмаганилик (сифатсиз ичимлик сув мавжудлиги аникланган даврдан у тегишли даражага олиб келинган вакт) учун кайта хисоб-китоб амалга оширилишини талаб килиш.

### 3.2. Истевъомлчи куйидагиларга мажбур:

а) шартнома шартларини бажариш;

б) ўзларининг худудида ва тасарруфида бўлган ичимлик сув ва канализация тармоклари ҳамда курилмаларининг зарур даражада кўрикланишини таъминлаш, уларнинг бузилиши, сув босиши ва музлаб колишига йўл кўймаслик, кудукларнинг қопқогини муз ва кордан тозалаш, Таъминотчи томонидан ўрнатилган пломбаларнинг сакланишини назорат килиш, ер усти сув окимларининг кудуклар ёнидан оқизиб юборилишини таъминлаш, ёнгин гидрантларига кириб бориш йўлакларини тирбанд килмаслик, ёнгин гидрантлари кўрсаткичларининг ишга яроклилигини қузатиб бориш ва мавжуд бўлган ёнгин гидрантларини ва ёнгин кранларини пломбалаш учун тақдим килиш;

в) турли предмет ва материалларининг улом бўлиб сакланишига, шунингдек ўз худудида ёки тасарруфида бўлган ичимлик сув, канализация тармоклари ва курилмалари устида ҳамда ичимлик сув ва канализация ташки жойлашувда бўлган (кўчада ва квартал ичida) срларда бирор-бир иншоотларни куришга йўл кўймаслик. Амалдаги тармоклarda ўзбошимчалик билан курилган иншоотларда авария содир бўлган тақдирда стказилган зарап учун жавобгарлик қондани бузганинг зиммасига юкланди;

г) транзит коммунал ичимлик сув ва канализация тармоклари, иншоотлар ва курилмалардаги ўзлари аниклашган носозликлар ёки шикастланишлар ҳакида Таъминотчига зудлик билан хабар бериш;

д) сувни хисобга олиш асбобларида яккол кўриниб турган носозликлар аникланганда (шужумладан, тамғани бутлигига шикаст етган ёки узиб ташланганлиги

тўгрисидаги холат бўйича ҳам) Таъминотчига унинг электрон почтаси орқали ёки унинг ягона “CallMarkazi (1255)” ракамига кўнгироқ килган холда хабар бериш;

с) шартнома доирасидаги мажбуриятларини бажариш, жорий ойнинг 23-25-санасида сувни ҳисобга олиш асбоблари кўрсаткичларини тўғри ва ўз вактида кайд килиб бориш, жорий ойнинг сўнгти санасигача Таъминотчига кўрсаткичмалумотларни Таъминотчининг электрон манзили ёки телефон раками орқали ёхуд Таъминотчи жойлашган манзилга борган холда тақдим этиш ва тўловларни амалга ошириш;

ё) сув сарфи ва оқова сувлар оқизилишининг шартномада белгиланган ҳажмлардан ошириб юборилишига йўл кўймаслик;

ж) субистеъмолчилардаги сув сарфини назорат қилиш ва барча турдаги сувни йўқотишилар олдини олиш бўйича чоралар кўриш;

з) ўзига карашли ва у хизмат кўрсатиши лозим бўлган ичимлик сув ва канализация тармоқлари, иншоотлар ва қурилмалардан техник жиҳатдан самарали фойдаланишини таъминлаш;

и) ишлаб чиқариш оқова сувларидаги ифлосланиш концентрациясини нормативдаги (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2010 йил 3 февралдаги 11-сон қарори билан тасдиқланган нормативларга мувофик) меъёрларгача етказган холда олдиндан тозаланишини таъминлаш;

й) канализация тармоғига оқизиладиган оқова сувлар сифати бўйича мониторинг ўрнатиш;

к) ўз худудида жойлашган сув ўлчаш узели, коммунал ичимлик сув ва канализация тармоқларида олиб бориладиган барча турдаги ишларни бажаришга бегона шахсларни киритмаслик;

л) Таъминотчи вакилининг иштирокисиз кудуклар (камералар) копқогини очишга рухсат бермаслик;

м) коммунал дренаж тизими мавжуд бўлган холатларда истеъмолчи худудида жойлашган коммунал канализация тармоқларига ёмғир ва эриган кор сувларининг оқизилишига йўл кўймаслик (Истеъмолчига боғлиқ бўлмаган форс-мажор холатларда оқизилиши бундан мустасно). Мазкур хукуқбузарлик аниқланган тақдирда Таъминотчи вакили, белгиланган тартибда, Истеъмолчига нисбатан жавобгарлик чораларини белгилаш учун асос бўладиган далолатномани тузади;

н) коммунал ичимлик сув ва канализация тармоқларида, иншоотлар ва қурилмаларда нарядсиз ҳамда Таъминотчининг хизмат гувоҳномаисисиз бирор-бир иш олиб бораётган шахслар тўғрисида ички ишлар органларига хабар бериш.

### **3.3. Таъминотчининг хукуклари:**

а) Таъминотчи, Истеъмолчини 7 кун аввал ёзма равишда огохлантирган холда, куйидаги холатларда сувни узатиш ва оқова сувларни қабул қилишни тўлиқ ва қисман тўхтатиши мумкин:

а.а) Истеъмолчига тегишли ва унинг тасарруфида бўлган ичимлик сув ва канализация тармоқлари, қурилма ва иншоотларнинг техник холати кониқарсиз бўлганди ва Таъминотчи вакиллари томонидан аниқланган техник фойдаланишдаги хатоликларни бартараф этиш бўйича Таъминотчи талаблари Истеъмолчи томонидан бажарилмагандан;

а.б) Таъминотчи мансабдор шахси Истеъмолчининг сувни ҳисобга олиш узели, ичимлик сув ва канализация тармоқлари, қурилмалари ва иншоотларини назорат қилиш ҳамда сувни ҳисобга олиш асбоби кўрсаткичларини кайд этиш, пломбаларни ўрнатиш мақсадида кўздан кечириш, белгиланган лимитдан кўп сарф қилинганда сув

бериши мувофиқлаштириш ва Таъминотчи нарядлари бўйича бошка ишларни бажариш учун келганда истеъмолчи томонидан асоссиз равища киритилмаганда;

а.в) Таъминотчи томонидан Истеъмолчи уланган ичимлик сув ва канализация тармоқлари ва курилмаларида режалий-отохлантириш тарзида таъмирлаш ҳамда хизмат кўрсатиш ишлари ўтказилганда, шунингдек янги абонентларни улаш ишлари амалга оширилганда;

а.г) Истеъмолчи тасарруфида бўлган сув таъминоти ва канализация тизимлари ёки тармоқларига субабонентларнинг ўзбошимчалик билан улангани аникланганда;

а.д) Истеъмолчичомонидан сув таъминоти ва оқова сувларни чикариш хизматлари учун белгиланган муддатларда хақ тўлаимаганда;

а.е) Истеъмолчининг тасарруфида бўлган ичимлик сув ва канализация тармоқларига, курилмаларига Таъминотчидан уланиш учун белгиланган тартибда рухсатнома олган субабонентларнинг тегишли тартибда уланиши рад этилганда;

а.ё) Истеъмолчи томонидан шартнома шартлари бажарилмаганда ва у оқизилаётган оқова сувнар микдори ва таркиби бўйича шартларга риоя килмаганда.

б) Таъминотчи куйидаги холатларда олдиндан хабар килмасдан сув узатишни тўлиқ ёки қисман тўхтатишга ҳакли:

б.а) Таъминотчининг электр таъминоти тўхтатилганда;

б.б) табиий оғатлар рўй бергандা;

б.в) авария холатларида;

б.г) ёнғин чиккан жойларга сув узатишни кўпайтиришга зарурат туғилганда.

#### 3.4. Таъминотчининг мажбуриятлари:

а) сув таъминоти ва оқова сувни чикариб юбориш юзасидан шартнома шартларини бажариш;

б) ичимлик сув ва канализация тармоқларининг техник холатини мунтазам равиша назорат килиб бориш;

в) сув таъминоти узлуксизлигини таъминлаш (Истеъмолчи билан келишилган график асосида сув бериш холатларидан ташкари);

г) Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза килиш давлат кўмитаси органлари томонидан тасдиқланган мейёрий хужжатлар (ПДС) талаби ва ичимлик сувдан маҳсус фойдаланиши рухсатномаларига мувофиқ оқова сувларни тозалаш ишларини ташкил қилишни таъминлаш;

д) тармоқдаги ичимлик сув сифати мониторингини олиб бориш;

е) Истеъмолчининг коммунал сув таъминоти ва оқова сувни чикариш тизимларига уланган ичимлик сув ва канализация тармоқлари, иншоотлари ҳамда курилмаларининг холатини ва улардан фойдаланилишини мунтазам равиша назорат килиб бориш, улардан самарали фойдаланишини ташкиллаштиришда Истеъмолчига амалий ёрдам кўрсатиш;

ё) Истеъмолчидаги сувнинг бехуда оқиб кетиши ва оқилона фойдаланилмаётганилик холатларини аниқлаш, сув бериш ва ундан фойдаланишини катъий назорат килиш ва хисобга олиш;

ж) Истеъмолчига сувни хисобга олиш индивидуал асбобларини ўрнатиш, белгиланган тартиб ва муддатларда уларни назоратдан ўтказиб туриш;

з) коммунал ичимлик сув ва канализация тармоқларида, иншоотлар ва курилмаларда нарядсиз ҳамда Таъминотчининг хизмат гувоҳномасисиз бирор-бир иш олиб бораётган шахслар ҳақида ички ишлар органлари ходимларига хабар килиш;

и) шартнома шартларига мувофиқ ўз мажбуриятларини бажара олмаган холатларда Истеъмолчига пеня тўлаши;

й) Истъемолчининг шартнома шартларига риоя этмагани масаласи бўйича суд органларига мурожаат килиш;

к) ичимлик сув ва канализация тизимида рўй берган бузилишлар аникланган кундан бошлаб бир сутка мобайнида уларнинг сабаблари, хизмат кўрсатишдаги тўхталиш муддатлари ва чекланишлар, шунингдек кўрсатилаётган хизмат сифатларининг ўзгариши сабаблари хакида Истъемолчига ахборот бериш;

л) ичимлик сув ва канализация хизматларини кўрсатишда рўй бериши мумкин бўлган режали тўхтатиши ва узилишлар хакида Истъемолчини узилишлар бошлангунгача 10 иш кунидан кечикмай огохлантириш;

м) ичимлик сувни истъемол килишга доир амалдаги ва янги жорий килинган меъёрий-хукукий ва бошка хужжатлар билан Истъемолчини алоқа воситалари (телефон, электрон почта) орқали хабардор килиш;

н) ичимлик сув таъминоти ва окова сувни чиқариш хизматлари тарифларидағи ўзгаришлар хакида улар амалда жорий қилинишидан 15 кун аввал оммавий ахборот воситалари ёки бошка алоқа воситалари (Таъминотчининг ижтимоий тармоқдаги саҳифалари, расмий сайти) ёрдамида Истъемолчини хабардор килиш;

о) ичимлик сув таъминоти ва окова сувни чиқариш хизматлари учун амалга оширилган тўловларнинг холати, карзларнинг йўклиги хакидаги маълумотларни Истъемолчига бепул тақдим этиш.

#### **IV. Тарафларнинг жавобгарлиги**

##### **4.1. Таъминотчи куйидагилар юзасидан жавоб беради:**

а) Истъемолчини меъёрий-хукукий ва бошка хужжатларга ҳамда мазкур шартномага мувофиқ ичимлик сув билан таъминлаш, окова сувларни чиқариш;

б) Истъемолчига меъёрий-хукукий ва бошка хужжатлар ҳамда конунчилик асослари ва шартномада кўрсатилган талабларга мувофиқ (O'zDSt 950:2011 давлат стандартига мувофиқ) сифатли ичимлик сув етказиб бериш;

в) Истъемолчига ичимлик сув таъминоти ва окова сув тизимларига уланиш учун ўз вактида, конуний асосланган техник шартларни тақдим этиш;

г) сувни хисобга олиш индивидуал асбобларини ўз вактида давлат назоратидан ўтказиши, белгиланган муддатларда Истъемолчидаги сувни хисобга олиш асбобларининг ечиб олиниши, ўринатилиши, кўрсаткичлари назорат қилиниши ва текширув ўтказилиши хакида огохлантириш;

д) Истъемолчининг мулкига етказилган моддий зарап учун конунчиликда кўрсатилган тартибда жавоб бериш;

е) шартнома шартлари ва ўзига юкланган мажбуриятларни бажармаганлик.

##### **4.1.1. Таъминотчи Истъемолчини сув билан таъминлашда куйидаги сабабларга кўра узилишлар бўлганилиги учун жавоб бермайди:**

а) Қоидаларнинг 129-бандида санаб ўтилган сабабларга кўра сув бериш тўлиқ ёки кисман тўхтаганда;

б) Истъемолчининг айбига кўра.

4.1.2. Таъминотчи, агар сув таъминоти бўйича кўрсатилаётган хизматлар сифатининг енгид бўлмайдиган куч ёки сув таъминоти хизматлари кўрсатиш тўғрисидаги шартнома шартлари Истъемолчи томонидан бузилганлиги туфайли содир бўлганини конун хужжатларида белгиланган тартибда исботласа, у сифат бузилганлиги учун жавобгарликдан озод этилади.

4.1.3. Тозалаш иншоотлари, насос станциялари кувватининг ёки коммунал сув кувурларининг сув ўтказиш кувватининг етарли эмаслиги туфайли сув таъминотида мунтазам равишда узилишлар бўлган тақдирда Таъминотчи, маҳаллий давлат

хокимияти органлари билан келишган холда, Истемолчини унга сув берилиши режалари хақида хабардор килиб, алоҳида туманларга сув берилиши юзасидан жавоб беради. Шу билан бирга, Таъминотчи Истемолчини сув билан нормал таъминлашга тўсқинлик қилаётган сабабларни бартараф этишга доир барча зарур тадбирларнинг ишлаб чиқилиши ва амалга оширилиши, шунингдек сувни хисобга олиш асбоблари мавжуд бўлмаганда - сувни бериш соатларига мутаносиб равишда қайта хисоб-китоб килиниши юзасидан жавоб беради.

#### **4.2. Истемолчи куйидагилар юзасидан жавоб беради:**

а) канализация тармоғида авария бўлган тақдирда ертўла хоналарини сув босишидан саклайдиган барча ўчирувчи курилмаларнинг бутлиги, сакланганлиги, ишга яроқлилиги ва нормал техник ҳолатдалиги учун;

б) Ўзига қарашли санитария асбоблари, канализация тармоклари, иншоот ва курилмаларда тамбанинг йўқлиги, ревизияларнинг зич ёнилмаслиги, носоз техник ҳолати туфайли Истемолчининг канализация тармокларида ёки Таъминотчидан, ичимлик сув ва канализациянинг ташки тармокларида авария (тиклиб колиш, сув босиш) содир бўлиши сабабли ертўла хоналарини сув босиши оқибатида етказилган зарар учун;

в) Таъминотчи билан хисоб-китоб килиш учун фойдаланиладиган сувни хисобга олиш асбоби, айланма линия зулфини, ёнгин зулфинлари, гидрантлар ва унинг худудида ёки тасарруфида бўлган ҳамда Таъминотчи томонидан пломбаланган бошқа ичимлик сув курилмаларидаги пломбаларнинг бутлиги ва сакланиши учун;

г) Таъминотчига ичимлик сув ва канализация тармоклари, иншоотлари ва курилмаларининг шикастланиши туфайли етказилган зарар учун конунчиликда белгиланган тартибда.

**4.3. Сувни хисобга олиш асбоби ва ствол зулфинидаги пломбанинг сакланмаганилиги ва бут эмаслиги аниқланган тақдирда, сўнгги далолатнома тузилган санадан эътиборан, аммо энг кўп билан уч ойдан ошиқ бўлмаган давр учун, тўловлар Қоидаларнинг 87-бандининг “б” кичик бандига мувофик амалга оширилади.**

**4.4. Пломбаланган ёнгин зулфинлари ва гидрантларидаги пломбаларни узишга куйидаги ҳолларда йўл кўйилади:**

а) Таъминотчи билан келишилгандан сўнг сув таъминотининг ёнгинга қарши тизими фаолияти текширилганда ва ёнгин насослари синовдан ўтказилганда;

б) Таъминотчини хабардор килмаган холда ёнгин ўчирилганда ва ёнгин хавфсизлиги органлари томонидан ёнгинга қарши сув таъминоти тизимининг синовлари ўтказилганда.

**4.5. Ичимлик сувий таъминотининг ёнгинга қарши тизимидан фойдаланиш тўхтатилганда истемолчи 24 соат мобайнида Таъминотчига пломба узилгани тўгрисида далолатнома тақдим этиши ва зулфинларни пломбалаш учун Таъминотчи вакилини чакириши шарт.**

**4.6. Сув қувурига ўзбошимчалик билан уланган, совук сувни хисобга олиш асбобларининг бузилишига атаялаб, йўл кўйган, шунингдек кўрсаткичларни ўзгартириш максадида хисобга олиш асбобларига ташкаридан аралашган истемолчилар конун хужжатларида назарда тутилган тартибда жавобгарликка тортиладилар.**

#### **V. Сув таъминоти ва сув чиқариш хизматлари учун хисоблар ва тўловларнинг тартиби**

**5.1. Истемолчи Таъминотчига, ичимлик ва оқова сув хизматлари учун тўловларни кейинги ой учун, агар хисобида старли миқдорда олдиндан тўлови мавжуд**

бўлмаса, хар ойнинг 10 санасига қадар 70 фоизлик олдиндан ҳақ тўлаш тариқасида амалга ошириши лозим.

**5.2.** Истеъмолчи шартномада белгиланган тўловларни ўз вактида тўламаган тақдирда тўловларнинг кечикирилган ҳар бир куни учун кечикирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида пеня тўлайди, аммо бу кўрсаткич жами кечикирилган сумманинг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

**5.3.** Таъминотчи шартнома шартларига мувофик ўз мажбуриятларини бажара олмаган ҳолатларда кечикирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган кисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бирор бунда пенянинг умумий суммаси кўрсатилмаган хизматлар (бажарилмаган ишлар) баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим.

**5.4.** Истеъмолчи ичимлик ва оқова сув хизматлари учун тўловларни шартномада белгиланган шартлар асосида ва тартибда ўз вактида тўламаса, Таъминотчи Истеъмолчини ёзма равишда хабардор қилган пайтдан бошлаб 5 иш куни ўтгандан кейин қарзларни конун хужжатларида белгиланган тартибда Истеъмолчини ичимлик сув таъминоти ва сув чиқариш хизмати тармоқларидан узиб кўйиш йўли билан ундириш чораларини кўради.

Ичимлик сув таъминоти ва канализация тизимидан илгари узиб кўйилган (ўзбошимчалик билан уланиш, қарздорлик мавжуд бўлганда ёки шартнома шартлари бажарилмаганда) Истеъмолчини қайта улашда Истеъмолчидан базавий хисоблаш миқдорининг 10 (юн) баробари миқдорида тўлов қайта улашни амалга оширган ташкилот хисобига маблағларни ўтказиш орқали 3 кундан кечикирилмаган тармоқка қайта уланади.

**5.5.** Оқова тизимида келиб тушувчи оқова сувининг миқдори, ичимлик сув тармоғидан етказиб бериладиган ичимлик сув миқдорига teng. Марказлашган иссиқ сув таъминоти мавжуд бўлган ҳолларда, истеъмол қилинувчи ичимлик сув миқдорига оқова сув тармоқлари хисоби учун 2,0 коэффициентгача кўлланилади.

**5.6.** Объект эгаси автоном сув таъминоти (кудуқ, очик сув олиш ҳавзаси, ирригация тизими)га ва (ёки) марказий оқова тизимидан бошка оқова ташлаш манбаларига эга бўлган ҳолатларда Таъминотчи ташкилоти билан шартнома тузиш учун маҳсус табиий сув объексларидан маҳсус сув олиш ёки истеъмол қилиш учун рухсатномани кўшимида равишда тақдим этиши зарур.

**5.7.** Сув таъминотининг хусусий автоном манбаи (кудуқ, очик сув олиш ҳавзаси, ирригация тизими ва х.к.) мавжуд бўлганда коммунал канализация тизимида оқоваларни оқизиши ҳажми ўринатилган насоснинг ишлаб чиқариш куввати ёки ўринатилган ва рўйхатдан ўтказилган хисоблаш асбобининг кўрсаткичлари бўйича аникланади.

Истеъмолчига қарашли бўлган автоном сув таъминоти манбанинг ички тизими марказий сув таъминоти тизими билан туташмаган бўлиши керак.

## VI. Алохида шартлар

**6.1.** Объект эгаси ўзгарганда истеъмолчи чиқиб кетшидан 7 кун аввал мавжуд қарзларни тўлаб, бу ҳақда Таъминотчи билан далолатнома имзолаши шарт. Истеъмолчи чиқиб кетгач, сувни хисобга олиш асбоби, пломбаларнинг бутлиги ва қопланмаган дебитор қарздорлик учун жавобгарлик объектнинг янги эгаси зиммасига юкланди.

**6.2.** Куйидаги ҳолатларда сарфланган ичимлик сув миқдори Коидаларнинг 87-бандининг “б” кичик бандига мувофик хисобланади:

а) агар Истеъмолчи сувни хисобга олиш асбоби билан таъминланмаган бўлса;

- б) сув ўлчаши асбоби ёки мосламаси Таъминотчида рўйхатдан ўтмаган бўлса;
- в) ичимлик сув ва канализация тармоклари ҳамда курилмаларига ўзбошимчалик билан уланиб олинганд (ўзбошимчалик билан уланиш аниклангунга кадар охирги текшириш далолатномаси тузилган кундан, шунингдек агар ўзбошимчалик билан уланиш Таъминотчига тегишли тармок ва курилмаларга нисбатан бўлган бўлса, ўзбошимчалик билан'уланиш кунидан бошлаб у аниклангунга кадар, бирок уч ойлик муддатдан кўп бўлмаган холда);
- г) сувни ҳисобга олиш асбоби Истеъмолчи айби билан ишдан чиқсан (сувни ҳисобга олиш асбоби сифатсиз сув билан бирга окиб келувчи кум, тош ва лойика йигилиши натижасида ишдан чиқсанлигиҳақида тегишли холоса мавжуд бўлган ҳолатлар бундан мустасно), синган, бузилган ва бу ҳакда Таъминотчи хабардор қилинмаган тақдирда (бунида сарфланган сув микдори, сўнгти тузилган далолатнома санасидан то янги сувни ҳисобга олиш асбобининг ўрнатилиш санасигача, аммо уч ойдан ошиқ бўлмаган муддат учун ҳисобланади);
- д) сувни ҳисобга олиш асбоби Истеъмолчига Таъминотчи томонидан огохлантириш хати юборилгандан сўнг белгиланган муддатда даврий қиёсловдан ўтказилмаганда.

**6.3.** Сувни ҳисобга олиш асбоби истеъмолчининг айбисиз носоз бўлган тақдирда сарфланган сув микдори олдинги уч ҳисоб-китоб оидаги ўртacha сарф бўйича аникланади.

**6.4.** Техник шартлар 2 йил муддатга берилади. Белгиланган муддат тугагач буюртмачи (объектни лойхалаштириш ва куришни бошлаш учун) лойиха муддатини чўздириши ёки янги техник шартларни олиши зарур.

Техник шартлари мавжуд бўлмаган ёки муддати ўтган ҳоллар Таъминотчи томонидан сув узатиш хизматларини якунлашга асос бўлади.

**6.5.** Истеъмолчи ичимлик ва окова сув тармокларига уланиш санаси ҳакидаги хужжатларни тақдим этмаган ҳолатларда Таъминотчи томонидан хоким қарори, кадастр хужжатлари ва шу кабилар асосида хужжат билан тасдикланган уланиш санаси бўйича ҳисоб-китоб килишга ҳаклидир.

**6.6.** Ишлатилган ичимлик суви ва қабул килинган окова сув учун тўловлар Таъминотчи томонидан тақдим этиладиган тўлов талабномалари асосида амалга оширилади. Бу тўловлар Истеъмолчи томонидан З иш куни ичida акцентсиз тартибда амалга оширилади. Тўловлар ўз вактида амалга оширилмаган тақдирда Таъминотчи кечикирилган тўловнинг ҳар бир куни учун 0,4 фоиз пеня ҳисоблайди, аммо унинг умумий қиймати асосий тўловнинг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

**6.7.** Шахарлар ва бошқа ахоли пунктларидағи коммунал канализация тизимиға жала сувлари рухсат этилмаган холда оқизилган тақдирда истеъмолчига нисбатан ишлаб чиқариши окова сувларини оқизганлиги учун амалдаги тарифларга нисбатан кўшимча уч баробарлик коэффициент татбиқ этилади. Ҳисоб-китоб ташкилотнинг майдони бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2010 йил 3 февралдаги 11-сон қарори билан тасдикланган Ишлаб чиқариш окова сувларини қабул қилиш коидалари ҳамда ифлослантирувчи моддаларнинг Ўзбекистон Республикаси шахарлари ва бошқа ахоли пунктларининг коммунал канализация тармокларига нормативдан ортиқча оқизилганлиги учун компенсация тўловларини ҳисоблаш тартибига мувоғик кадастр ва метеорологик маълумотларга биноан амалга оширилади.

**6.8.** Окова сувни чиқариб юборишнинг ҳажми ва таркиби бўйича мъёрлар билан белгиланган оқизишнинг йўл кўйиладиганчекланган микдоридан (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2010 йил 3 февралдаги 11-сон қарори билан

тасдикланган нормативларга мувофиқ) ортиқча окова сувлар ва ифлослантирувчи моддаларнинг чиқариш тақиқланади.

**6.9. Ифлослантирувчи моддаларни нормативдан ортиқча оқизғанлик учун компенсация түловларини хисоблаб ёзиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 3 февралдаги 11-сон қарорига мувофиқ амалга оширилади.**

**6.10. Хисоб-китобнинг нотўғри килинганилиги** (тарифларнинг нотўғри хисобга олинганилиги ва шу каби ҳолатлар) тўғрисида Истемолчиёзиладиган эътирозномани тўлов хужжати олингандан кейин 5 кун муддатда Тъминотчига у жойлашган манзилга борган ҳолда ёки Тъминотчининг телефон раками, электрон почтаси ёхуд почта хизмати орқали тақдим этиши керак. Эътирознома Истемолчини тўлов талабномаси ва хужжатида кўрсатилган суммани тўлиқ ва белгиланган муддатда тўлашдан озод қилимайди.

Эътирознома Тъминотчи томонидан 10 кун муддатда кўриб чиқилади. Улар асосли деб топилса, тўланган ортиқча сумма кейинги тўлов хужжати хисобига ўтказилади. Истемолчи эътирознома кўриб чиқилганилиги тўғрисидаги маълумотдан, у тақдим этган телефон раками (шу жумладан мазкур телефон ракамнинг телеграм ижтимоий тармоғидаги профили) ёки почта хизмати орқали, эътиroz кўриб чиқилиши лозим бўлган муддат тугагандан кейин 3 кун муддатда хабардор қилиниши лозим.

Агар кўрсатилган муддат ичида истемолчи хабардор килинмаса, масала истемолчи фойдасига ҳал қилинган хисобланади.

### **VII. Низоларни ҳал этиш тартиби**

**7.1. Тарафлар ўртасида ушбу шартнома шартларининг бажарилиши ва шартномага оид бошка ҳолатлар юзасидан келиб чиқадиган низолар тарафларнинг ўзаро келишувни орқали ҳал қилинади.** Тарафлар томонидан низолар бўйича ўзаро келишувга эришилмаса, низолар Ўзбекистон Республикаси конунчилигига мувофиқ Истемолчи жойлашган манзилдаги тегишли судлар орқали ҳал қилинади.

### **VIII. Форс – мажор**

**8.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошка енгиг бўлмайдиган куч (форс мажор) ҳолатлари (зилзила, сув тошқини, ёнғин, сел, дўл, жала ва бошка табиий оғатлар) натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар ушбу шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.**

Мазкур шартнома<sup>\*</sup> бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиг бўлмайдиган куч ҳолатлари амал килган, шунингдек, ушбу ҳолатлар юзага келтирган вактга мутаносиб равишда узайтирилади.

**8.2. Форс-мажор ҳолати мавжуд бўлган томонд 3 кун ичида бошка томонни форс-мажор ҳолати бошланган муддатларни кўрсатган ҳолда ёзма равишида алоқа воситалари (телефон раками, ижтимоий тармоқдаги профиллар ва расмий саҳифалар) орқали огоҳлантириши лозим.**

**8.3. Агар форс-мажор ҳолатлари шартнома шартларини бажаришга уч ойдан кўп муддат тўскинилик килса, томонлардан бири шартномани бекор қилиш хукуқига эга.**

### **IX. Шартноманинг амал қилиш муддати**

**9.1. Ушбу шартнома икки нусхада тузилган бўлиб, икки тарафда бир нусхадан сакланади.**

9.2. Шартнома имзоланган ва газначилик бўлинималарида рўйхатта олинган кундан бошлаб кучга киради ва “\_31\_ Январь\_ 2022\_ йилгача амал килади.

9.3. Ушбу шартномага ўзгarterиши ва кўшимчалар ёзма шаклда расмийлаштирилиши ва тарафлар томонидан имзоланиши шарт.

#### Х. Тарафларниң юридик манзили ва банк реквизитлари:

##### «ТАЪМИНОТЧИ»

Манзил Дарёклар ёслити юшеси

Тел: (55) 101-09-10 факс

газ/х-р 22638000 900503 717483

Банк Ипотека банк Нокис Колледж

Банк коди 00621 СТИР 200357143

ХХТУТ

Шахсий ракам

Шахсий х-р

Банк

Банк коди              СТИР             



Рахбар С. Ибрахимов  
М.У.              (Ф.И.О. имзо)  
202\_й.

##### «ИСТЕЙМОЛЧИ»

Манзил Шуманай тумани

Тел: 3461239 факс

газ/х-р 23402000300100001010

Банк Тошкент ш Марказий банк

Банк коди 00014 СТИР 207266710

ХХТУТ

Шахсий ракам 100022860352437091100251010

Шахсий х-

р

Банк

Банк коди             

СТИР             

Шуманай тумани газначилик бўлинимаси

Рахбар Ф. Убайдуллаев  
М.У.              (Ф.И.О. имзо)  
202\_й.

##### Юридик худоса:

Унбу шартнома Ўзбекистон Республикаси Фуқарорлик кодекси ва “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини шартномавий-хукукий базаси тўғрисида”ги Конуни талабларига мувофиқ тузилган

##### Юрисконсульт:

«      » 202\_й.

Отделение дошкольного образования Шоманайского района

XG18625107: **ЮРИДИК АХМИЙЕТКЕ ИЙЕ ХҮЖЖЕТЛЕРДИН НЫЗАМ  
ХҮЖЖЕТЛЕРИНЕ МУЎАПЫҚЛЫҒЫ ҲАҚҚЫНДА ҲУҚУҚЫЙ  
ЖУҮМАҚ**

- Жойбар түри:** Ишимлик ҳәм ақаба суұы хызметлерин көрсетиүү шартнамасы.
- Жойбар атамасы:** Шоманай районы Мектепке шекемги билимленидиүү болими ҳәм «Қарақалпак суү тәминаты» ЖШЖ Шоманай филиалы ортасында дүзилген ишимлик ҳәм ақаба суұы хызметлерин корсетиүү шартнамасы.
- Жойбар ислеп шығыушы ҳәм киритилген сәне ҳаққында маглыұмат:** Шоманай районы Мектепке шекемги билимленидиүү бөлімінин 2022-жыл 31-январь күнги №6 санлы ишимлик ҳәм ақаба суұы хызметлерин көрсетиүү шартнамасы.

Жойбар әмелдеги нызам хүжжетлерге муўапық ислеп шығылған ҳәм оны қабыл етиүү мақсеткө муўапық.

Бас юрисконсульт

2022 жыл «31» январь



С.Турдымуратов